
Данғара туманида аҳолини бизнесга жалб қилиш бўйича туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Акрамовнинг МУРОЖААТИ

Данғара туманида аҳолини бизнесга жалб қилиш бўйича
туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Акрамовнинг
МУРОЖААТИ

Ассалому алайкум, тумандошлар!

Давлатимиз раҳбари бошчилигида 2024 йил 12-август кунги Бухоро вилояти мисолида ўтказилган селектор йиғилиш якунларида қилинган маърузалари ва берилган топшириқлари асосида Данғара туманида томорқадан самарали фойдаланиш, маҳалларда саноат биноларини ташкил этиш ҳамда саноат, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар соҳасида “драйвер” лойиҳа ишга тушириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш борасида “Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор ва Гиждувон туманлари” тажрибаси асосида ишлар ташкил этилмоқда. Жумладан:

-

Сайхунобод тажрибаси яъни иқтисодий комплекс ташкилотларининг маҳаллага тушиб, хонадонбай ишлаш тизими асосида ҳар бир маҳалладаги хонадонлар учун молиявий пакет қилиб берилиши белгиланди. Бу орқали туманда 5,2 минг аҳоли бандлигини таъминлаш мумкин бўлади.

Жумладан, ҳар бир маҳаллада 50 тадан жами 2300 та камбағал оилаларни танлаб олиниб, 7,4 млрд.сўм маблағ ҳисобига 471 та хонадонларга молиявий кўмаклар берилди.

Йил якунига қадар яна 1800 дан ортик хонадонларга молиявий кўмак берилади.

Шунингдек ҳар бир маҳалла ҳоким ёрдамчилари ва бириктирилган банклар билан биргаликда 10 тадан лойиҳалар шакллантирилиб, жорий йилнинг 1 ноябр кунига қадар 532 та лойиҳаларда 53 млрд.сўм маблағлар ўзлаштирилиб, 996 та иш ўринлари ташкил этилди.

Йил якунига қадар ҳар бир маҳалладан яна 20 тадан туман бўйича жами 920 та лойиҳалар шакллантириш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар 43,2 млрд.сўм қийматидаги 878 та лойиҳаларда 1268 та янги иш ўринлари рўйхати шакллантирилиб, платформага киритилди.

Жумладан, октябр ойида режадаги 138 та лойиҳа ўрнига 12,8 млрд.сўм қийматидаги 145 та (105,0%) лойиҳалар ишга туширилиб, платформага киритилди ва бунинг ҳисобига 178 та иш ўринлар ташкил этилди.

Уйчи тумани тажрибаси асосида июль-декабр (*2-ярим йиллик*) ойлари мобайнида тижорат банклари мижозлари билан 15 та учрашувлар ўтказиш ва ушбу орқали 2293 та иш ўринлари яратиш режалаштирилган бўлиб, Амалда бугунги кун ҳолатига банклар томонидан учрашувлар ўтказилиб, 2550 та иш ўринлари яратилди (111,2%).

Жумладан, октябр ойида 1 та учрашув ташкил этилиб, 346 та иш ўринлари яратилди.

Зарбдор тумани тажрибаси асосида туманда мавжуд имконият ва заҳираларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш орқали 106,4 млрд. сўмлик

23 та лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига жами 980 нафар иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунга қадар 27 та лойиҳалар ишга туширилиб 1100 та янги иш ўринлари яратилди.

Гиждувон тажрибаси асосида туманда тадбиркорлар билан “Маҳаллабай” ишлаб чиқаришга ихтисослашган 8 та маҳаллаларда 15 тадан “Тепага ўсадиган” 120 та саноат лойиҳаларини

амалга ошириш белгиланган бўлиб, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш орқали 828 нафар ишсиз фуқароларни иш билан бандлигини таъминлаш ва доимий даромадга эга бўлиши таъминланиши режалаштирилган бўлиб, амалда шу кунга қадар 22 та саноат лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига 479 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Бундан ташқари туманимиз иш ўринларини ташкил қилишда қуйидаги молиявий инструментлардан фойдаланилди. Хусусан туманимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари томонидан барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 52,8 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Шундан, АТ Халқ банки Данғара БХМ томонидан 12 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига 1,5 млрд. сўмлик, 19 та яқка тартибдаги тадбиркорларга 1,8 млрд. сўмлик ҳамда 2251 нафар фуқароларга 31,7 млрд сўмлик кредитлар ажратилди. Шундан “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш” дастури доирасида 1350 нафар аҳолига 19,0 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди ва 1600 нафардан ортиқ ишсиз оила аъзоларининг бандлиги таъминланди.

“Агробанк” АТБ Данғара филиалида томонидан 2024 йил давомида 94 та мижозга 17,8 млрд.сўм кредит ажратилди. Соҳалар кесимида қишлоқ хўжалиги бўйича сув тежовчи технолигия жорий этиш учун 32 та фермер хўжалигига 11,3 млрд.сўм, лазерли ер тикислагич сотиб олиш учун 8 та фермер хўжалига 2,4 млрд.сўм, “Бизнес Ривожлантириш Банки” маблағлари ҳисобидан 36 та мижозга 3,2 млрд.сўм ва чакана бизнес йўналиши бўйича 18 та мижозга 982 млн. сўмлик кредитлар ажратилди.

2024-11-12 15:28:35